



Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

Кун ҳикмати

Ҳамма нарсага  
ўзим улгураман,  
деган раҳбар  
хато қилади.  
Раҳбарликнинг  
муҳим принципи  
бошқаларни ҳам  
ишлата билишдир

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни  
телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 3-iyul, shanba, 76 (23.512)-son

## Депутат мурожаатига беписанд қараган раҳбарлар бор

2 июль куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ўттиз олтинчи сессияси ўтказилди. Сессияни Кенгаш раиси, вилоят ҳоқими Э.Турдимов бошқарди.

Дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган давлат дастурининг биринчи чорақдаги ижроси юзасидан вилоят ҳоқимлиги котибият мудири С.Элмуродовнинг ахбороти эшитилди.

Қайд этилишича, вилоят ҳоқимлиги хузуридаги мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи томонидан давлат дастурининг ижроси доимий равишда мониторинг қилиб борилаётган. Мониторинг натижалари давлат дастуридаги 21 банд бўйича ишлар бажарилганлиги ва бошқа чора-тадбирлар ижро жараёнида эканлигини кўрсатди.

Давлат дастурида белгиланган эндокрин касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш ҳамда эндокринология муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, Самарқанд давлат университети ҳудудда “Ёшлар технопарки” қурилиши бўйича ишлар давом этмоқда.

Эътиборлиси, дастур ижросига кўра, вилоятда буйрак трансплантацияси амалиётини ўтказиш йўлга қўйилди. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг ангиохирургия ва трансплантация бўлими ва унинг операцион блоклари капитал таъмирдан чиқарилди ва буйрак трансплантацияси амалиёти учун керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ангиохирург, уролог, нефролог, анестезиолог-реаниматолог врачлар ва ҳамширалар жорий йил апрель-май ойларида академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида буйрак трансплантацияси бўйича амалиёт ўтаб келди. 2021 йил 10-12 июнь кунлари вилоятимизда илк бор уч нафар беморда буйрак трансплантацияси муваффақиятли амалга оширилди.

Шундан сўнг, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси, хусусан, тичиллик суви ва оқова сув тармоқлари ҳамда иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш

борасида олиб борилаётган ишлар аҳоли юзасидан “Сув таъминоти ва оқова сув объекти қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” унитар корхонаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи С.Исаев ҳамда “Самарқанд сув таъминоти” масъулият чекланган жамияти директори К.Юсуповнинг ҳисоботини кўриб чиқилди.

Шунингдек, сессияда вилоятда “маҳаллабай” ишлаш тизими орқали аниқланган муаммоларни ҳал этиш ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”, 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларни сифатли амалга ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар тасдиқланди.

Депутатлар вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқиб, қарор қабул қилдилар.

Жумладан, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига буйрак трансплантациясини амалга ошириш учун зарур тиббий асбоб-ускуналар сотиб олишга иккинчи чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисмидан 3 миллиард 190 миллион сўм, вилоятимиз олис ҳудудларидаги 62 та мактаб филиалларини таъмирлаш, янгидан қуриш учун 2 миллиард 400 миллион сўм ажратилган бўлди.

Сессияда депутатларнинг ижро органларига мурожаатлари натижалари ҳам таҳлил этилди. Депутатлик сўрови, сессияларда муҳокама этилган масалаларга, саволларга ўз вақтида жавоб бермаган, кўтарилган масалани ҳал қилмаган бир қатор ташкилот ва муассасалар, хусусан, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, “Самарқанд сув таъминоти” масъулият чекланган жамияти, туризмни ривожлантириш департаменти масъулларига интизомий ва маъмурий чора кўриш белгиланди.

Депутатларнинг ўз сайлов округи ҳудудидagi беморлар саломатлигини тиклаш юзасидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қилган мурожаатларига мутасаддиларнинг эътиборсиз қарагани жиддий танқид қилинди. Ваҳоланки, бу беморларни даволаш, жарроҳлик амалиётини бажариш учун Кенгаш қарори билан пул маблағлари ажратилган.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан Кенгашнинг қарорлари қабул қилинди.



## Ёшларга ишонч, эътибор, ғамхўрлик

Бундан тўрт йил муқаддам 30 июнда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилган ушбу кунни мамлакатимизда Ёшлар куни, деб эълон қилишни таклиф этган эди. Шундан буён ушбу сана юртимизда катта байрам сифатида нишонлаб келинмоқда.

Ёшлар куни муносабати билан 30 июнь куни Тошкент Ботаника боғида «Учинчи Ренессанс бунёдкорлари» шиори остида Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форуми ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев форум ишида қатнашиб, маъруза қилди. Мазкур тадбирни самарқандлик фаол ёшлар “Bog’ishamol GARDEN” базмига видеолоқа тизими орқали кузатди.

Президентимизнинг байрам табриги ва маърузасини катта қизиқиш билан тингладим, - дейди Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги Оқдарё туман бўлими бошлиғи Маъруфхон Мусаев. - Бизни қийнаб келаётган энг катта муаммолардан бири - бу ишсизлик. Шу масалага ечим топиш бўйича зарур чоралар кўриляпти. Давлатимиз раҳбари бундан буён мактаб

битирувчисига аттестат беришда меҳнат бозорига талаб юқори бўлган камид битта касб ёки хунарни эгаллаш мажбурий қоида бўлишини таъкидлади. Касб-хунарли киши ишсиз қолмайди.

Тошкентда ўтказилган форумда самарқандлик фаол ёшлар вакили сифатида иштирок этдим, - дейди вилоят ёш ижодкорлар кенгаши раиси Аббос Шодмонкулов. - Тадбирда вилоятимиздан ҳам бир гуруҳ йигит-қизлар давлат мукофотлари билан тақдирланганлари, асосийси, Президентимиз ўз маърузаларида самарқандлик фаол ёшлардан айримларини алоҳида эътироф этганидан гурурландим. Номлари тилга олинган, мукофотланган тенгдошларимга ҳавас қилдим.

Давлатимиз раҳбари яқинда Германияда от спорти бўйича бўлиб ўтган нуфузли мусобақада самарқандлик мактаб ўқувчиси Абдурахмон Абдуллаев икки йўналишда олтин ва кумуш медалларга сазовор бўлганлиги, халқаро миқёсдаги ютуқлари учун бу йигит “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланганлигини таъкидлаб, ҳар бир вилоят ва туманларда “Чавандозлар мактаби” фаолияти йўлга қўйилишини айтди. Бу отга меҳри бўлакча бўлган ўғлонларнинг кўнглидаги гап бўлди.

Самарқанднинг чекка худуди - Қўшрабодта туғилиб, ўсганман, - дейди “Келажак лидерлари”

клуби аъзоси Сарвинос Турсунова. - Қишлоғимизда билимга чанқоқ, ўқишга интилувчан ёшлар кўп. Аммо шу пайтгача уларнинг аксарияти олий ўқув юртига шартнома асосида ўқишга кириб, тўловини амалга оширишга қийналарди. Тўлов-шартнома пулини тополмагани учун ўқишни рад этган қизлар кўп эди. Очиғи, улар бир уринишда грант асосида ўқишга киролмадим, турмушга чиқишга мажбур эди. Форумда Президентимиз ана шундай ёшлар, айниқса, қизлар учун катта имкониятлар яратилишини таъкидладилар. Жумладан, эрта турмушнинг олдини олиш, ҳар бир ёш қайсибир касб-хунарга эга бўлиши учун зарур чоралар кўрилиши, имтиёзли шартларда ажратилган таълим кредити, аҳамиятлиси, “Темир дафтар”га киритилган оила-ларнинг фарзандларига олийгоҳдаги ўқишининг биринчи йили учун контракт пулини бюджетдан тўлаб бериш тартиби жорий этилишини эшитиб, хурсанд бўлдик.

Давлатимиз раҳбари “Билимли ёшлар - келажак пойдевори. Бугунги ҳаракатларингиз билан ўз кела-жанингизга асос соляйсизлар. Мен сизлар билан ғу-рурланаман”, дея билдирган ишончга муносиб бўлиш учун ёшларимиз бор имконияти, билим ва кучини сарфлашига ишонамиз.

Тўлқин СИДИҚОВ.

## Самарқанднинг “Мард ўғлон”лари

Президентимизнинг шу йил 28 июндаги қарорига кўра, уч нафар самарқандлик йигит “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланди. Улар:



Абдуллаев  
Абдурахмон Ферузевич -  
Самарқанд шаҳридаги  
17-умумий ўрта таълим  
мактабининг 11-синф  
ўқувчиси

Президентимиз кўксига “Мард ўғлон” мукофотини тақанда ўзимни юртимиздаги энг бахтиёр ҳарбий хизматчиларидан бири эканлигимни ҳис қилдим, - дейди Ургут туман факулдада вазиятлар бўлими 24-ёнгин-қутқарув қисми смена бошлиғи Ш.Орипов. - Давлатимиз раҳбари қўлимни сиқиб, “сенга ишонман”, деган гаплари зиммага катта масъулият юкляди. Аслида шу пайтгача Ватаним учун қилган хизматим арзимас бўлса-да мени давлат мукофотига лойиқ кўрганларидан миннатдорман. Келгусида бу



Орипов  
Шаҳзод Илҳом ўғли -  
Ургут тумани факулдада  
вазиятлар бўлимининг  
ёнгин-қутқарув қисми  
смена бошлиғи

ишонччи оқлашга ваъда берман. Шаҳзод ўзи эгаллаган билим ва тажрибаларига таянган ҳолда тўғри қарор қабул қила олади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ёш ҳарбий хизматчилари ўртасида ўтказилаётган танловларда, жамоат тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда. У туманда содир бўлган ёнгинларни вақтида бартараф этиш, одамларнинг ҳаётини сақлаб қолишда жонбозлик кўрсатмоқда.

Ҳусан ҲОЗИЕВ.



Фахриев  
Жаҳонгир Алишеревич -  
Тошкент педиатрия  
тиббиёт институтининг  
5-босқич талабаси

## Мукофотлар муборак!

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 29 июнда қабул қилинган «Ёшлар куни муносабати билан юртимизнинг фаол ва ташаббускор ёш авлод вакилларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига кўра, мукофотланган ёшлар қаторида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

«КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ» медали билан  
ЎРОҚОВА Маҳлиё Таштемировна - Пахта-чи туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси;

«ШУҲРАТ» медали билан  
ИСЛОМОВ Маждихон Шамсиддинович - Ургут туманидаги «Ургут саноат сервис» оилавий корхонаси раҳбари;  
ТОШЕВ Мизроб Маҳмудович - Самарқанд шаҳридаги «Меъмор ўткир Човка» масъулият чекланган жамияти таъсисчиси;  
ТУРДИБЕКОВА Ситора Шавкат қизи - бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси;  
ЎКТАМОВА Нигина Жасур қизи - бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси.

## “Зарафшон” энди чоршанба ва шанба кунлари чоп этилади

Азиз муштарий! Йил аввалидаги дастлабки сонда жорий йил учун обуна натижалари, газета чоп этишнинг машаққатлари ҳақида маълумот бериб, гарчи 104 та сон (ҳафтада икки марта) учун пул тўлаган бўлсангизда, “Зарафшон”нинг ҳафталик даврийлигини ўзгартирмаган ҳолда (ҳафта уч марта) чоп этишга қарор қилганимизни ёзгандик. Шу тарзда йилнинг биринчи ярмида 75 та сон чоп этилиб, сизга 23 та қўшимча газета етказиб берилди. Албатта, газетани етказишда муаммолар юзага келгани ҳақида эшитаёмиз, бизга ҳам бу тўғрисида мурожаатлар бўляпти ва муаммога матбуот тарқатувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда ечим излашга

интиляпмиз. Аммо бугун газетамиз тиражининг йил бошидагидан анча камайиб кетиши, газетани чоп этиш харажатларининг ошиши ва бошқа омиллар сабабли “Зарафшон”ни ҳафтада икки марта, чоршанба ва шанба кунлари нашр этишга қарор қилдик. Бунини тўғри тушунасиз, деган умиддамыз.

Газетамиз ҳафтада икки марта чоп этилса-да вилоятимиз ҳаётига оид кундалик янгилик ва ўзгаришларни интернетдаги zarnews.uz сайтимиз, телеграмм каналимиз ҳамда ижтимоий тармоқлардаги бошқа саҳифаларимиз орқали матн, аудио ва видеолар шаклида тез-тез бериб борамиз.



Қадрли муштарий! Биз учун сизнинг фикрингиз, муносабатингиз жуда муҳим. Марҳамат, газетамиз ва унинг даврийлиги, мазмун-муношарини, шунингдек, сайт ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимиз ҳақида ўз фикрларингиз, таклифи ва истақларингизни билдириш. Бу ишимизни тўғри ва самарали ташкил этишимизга ёрдам беради.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ислохотлар жараёнида оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам туб ўзгаришлар амалга ошириляпти. Бу миллий матбуотимизда шаклланаётган янги аънаналар, жаҳон ҳамжамияти билан глобаллашув жараёнлари, ахборот хизматлари, блогерлар фаолияти тобора кенг қулоқ ёзаётганида яққол намоён бўлмоқда.

## Зиммамиздаги вазифа – шарафли

Аммо жамиятимизда журналистнинг эркин ижодий фаолиятига тўсқинлик қилиш, тазйиқ ўтказиш таҳлилий-танқидий мақолаларга ҳолис муносабат билдириш, соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш борасида ҳали ислох қилишимиз керак бўлган камчиликларимиз борлиги айна ҳақиқатдир. Пойтахтимизда бўлиб ўтган байрам тадбирида ҳам соҳа фахрийлари, фидойи ҳамкасблар, юртимизнинг барча ҳудудларидан келган журналистлар, блогерлар жамул-жам бўлиб, табриқда илгари сурилган эзгу ташаббуслар юзаси-

дан ўзаро фикр алмашишди.

Эътибор ва рағбат бизни янги-янги ижодий ютуқлар сари руҳлантиради. Аслида юртимизда ва дунёда кечаётган турфа жараёнларни зийрак нигоҳ билан кузатиш, ҳаётнинг қайноқ жараёнлари билан ҳамнафас бўлиш журналист зиммасидаги энг шарафли вазифадир.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,  
«Фаргона ҳақиқати» - «Ферганская правда»  
газеталари бирлашган тахририяти бош муҳаррири,  
«Дўстлик» ордени соҳиб.

Грант танлови ғолиблари аниқланди

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузурдаги Ҷамоат фонди томонидан эълон қилинган "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мавзусидаги давлат гранти I-танлови ғолиблари:

- 1. SOS Ўзбекистон болалар маҳалласи Самарқанд филиали (SOS Ўзбекистон болалар маҳалласи Самарқанд филиали термо-иссиқхона ва жонли бурчакни ташкил этиш лойиҳаси учун) - 31 миллион сўм;
2. "Умид-Д" хайрия маркази (Самарқанд вилояти ННТларининг салоҳияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш лойиҳаси учун) -31 миллион сўм;
3. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Ургут туман бўлини Кенгаши ("Касбий маҳорат - аёлларга даромад" лойиҳаси учун) - 31 миллион сўм;
4. "Раҳмдиллик" жамияти (Оила фаровонлиги, оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, баркамол авлодни тарбиялашда ижтимоий шерикликни кучайтириш лойиҳаси учун) - 31 миллион сўм;
5. Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Самарқанд вилояти бўлими ("Кўнгилларнинг гул тожи - китоб" лойиҳаси учун) - 28 миллион сўм;
6. Ўзбекистон халқаро "Олтин Мерос" хайрия

жамоат фонди Оқдарё туман муассасаси (Маҳалла аҳолисини китобхонликка жалб этиш мақсадида "Ёш китобхонлар амфитеатри"ни очиш, театр ҳузурда "Халқ кутубхонаси номи электрон кутубхона фаолиятини ташкил этиш" лойиҳаси учун) - 31 миллион сўм;
7. Самарқанд вилояти "Тенгдошим" нодавлат нотижорат ташкилоти (Ижтимоий хизмат: парвариш ва иш билан таъминлаш лойиҳаси учун) - 30 миллион сўм;
8. Zargnews.uz сайти (вилоятда "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида жамоатчилик назоратини ўтказиш, босма ва электрон ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш) - 31 миллион сўм;
9. "Тадбиркор аёл" уюшмаси Пахтачи туман бўлини ("Тайёрланаётган тадбиркор-кељакакка мададор" лойиҳаси учун) - 31 миллион сўм;
10. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Жомбой туман кенгаши ("Маънавият хазинаси" лойиҳаси учун) - 30 миллион сўм.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳар бир ривожланган мамлакат ўз тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқишда, аввало илмий шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда улар орқали белгиланган дастурлар ва режаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратади.

лов асосида амалга ошириладиган Самарқанд вилояти ҳокимлиги бошқарув аппаратидаги тегишли лавозимларга қўйилган малака талаблари белгилаб олиниб, тасдиқланди. Эътиборлиси, белгиланган малака талаблари билимли, замонавий фикрлайдиган, чет тилларини мукаммал билладиган, компьютер дастурларидан самарали фойдалана оладиган, ташаббускор ва шижоатли ёшлар учун ўзларини намоён қилишга кенг имкониятлар яратди.

риш мақсадида вилоятимиздаги олий таълим муассасаларини 2020-2021 ўқув йилида тамомлаётган 517 нафар интеллектуал жиҳатдан салоҳиятли талабалар саралаб олинди. Улар билан тизимли ишлар олиб борилиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ўз ўрнини топишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан бирга, бу ёшларнинг малака ва кўникмасини ошириш, турли ижтимоий-сиёсий тадбирларда фаол иштирокини таъминлаш кўзда тутилган.

Яқинда Самарқанд давлат чет тиллар институтида вилоят ҳокимлиги истиқболли кадрлар захирасига олинган, Самарқанд шаҳридаги олий ўқув юртиларида таҳсил олаётган фаол ва ташаббускор, билимли ва лидерлик салоҳиятига эга бўлган иқтидорли талаба қизлар билан учрашув ўтказилди.

Мазкур учрашувда иқтидорли талаба қизларга вилоятимизда хотин-қизларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрнини янада ошириб бориш ҳамда давлат бошқарувида аёлларнинг иштирокини кенгайтириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ёшлар ташаббуси билан самарқандлик илмий ва ташаббускор талаба қизлардан иборат "Самарқанд илмий қизлари" клуби ташкил этилди. 50 нафар иқтидорли қизларни ўз атрофига жамлаган клубга Самарқанд давлат чет тиллар институтини талабаси Фарангиз Худоёрова раис этиб сайланди.

Мазкур клубни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсадларимиз бор.

Биринчидан, вилоятимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир слхотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини янада кенгрок тарғиб қилиш ҳамда халқимизга муносиб хизмат қиладиган салоҳиятли раҳбар қизларимизнинг сонини янада кўпайтириш.

Иккинчидан, ҳудудларда, айниқса, кишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган имконият ва эътиборни янада ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигига эришиш.

Учинчидан, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалаларни чуқур таҳлил қила оладиган, уларнинг гендер тенглигини таъминлаш ҳамда илғор тажрибалар асосида мавжуд муаммоларни ҳал қила олишга қодир бўлган жонқуяр хотин-қизларимизни янада қўллаб-қувватлашдан иборат.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида давлат хизматчиларининг имижини шакллантириш, шу орқали давлат идораларига бўлган жозибадорликни ошириш ҳамда фуқароларимизнинг давлатдан розилигини таъминлаш устувор вазифа ҳисобланади.

Беҳзод РАҲМАТУЛЛАЕВ, вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари.

«КЕЛАЖАК ЛИДЕРЛАРИ» ИШСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Юртимизда ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Минг йиллик ривожланиш мақсадлари"ни тизимли ҳаётга татбиқ этиш ва яқин йилларда дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилишини таъминлаш мақсадида муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳар бир тармоқ бўйича ислохотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.



Бу борада ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш тўғрисида қонун қабул қилиниб, давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш ҳамда бунинг учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида белгиланган чора-тадбирлар тизими ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Хусусан, 2021 йил 19 майда Самарқанд вилояти ҳокимининг «Вилоят, туман (шаҳар)лар ҳокимликлари бошқарув аппаратида кадрларни очик мустақил танлов асосида қабул қилиш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати ва канцелярия лавозимлари ҳамда ўтказиш тартиби ҳамда танлов ўтказиш бўйича комиссия тўғрисида қарори қабул қилиниб, вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати ва канцелярия лавозимларининг ягона очик портали орқали, фақат очик мустақил танлов асосида ишга қабул қилиш йўлга қўйилди.

2019/2020 ўқув йили якуни билан Самарқанддаги битирувчи талабалари мавжуд 7 та олий ўқув юртидан тегишли мезонлар асосида раҳбарлик ва лидерлик қобилиятига эга бўлган 331 нафар иқтидорли ёшлар сараланиб, Самарқанд вилояти ҳокимлиги истиқболли кадрлар захирасига олинган эди.

Уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилган тизимли ишлар натижасида бу ёшларнинг 34 нафари вилоят даражасида идора ва ташкилотларга, 142 нафари шаҳар (туман) микёсидаги корхона ва муассасаларга ҳамда 51 нафари хусусий секторга жойлаштирилди, 87 нафари таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттирмоқда.

Шунингдек, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда вилоятимиздаги давлат идораларида хизмат кўрсатаётган ёш кадрлардан 50 нафар иқтидорлилари саралаб олиниб, "Келажак лидерлари" клуби ташкил этилди.

Иқтидорли ёшларга бўлган эътиборни янада кучайти-

бўлимига туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини тиклаш масаласида мурожаат қилиши лозим. Бунда албатта туғруқхона томонидан берилган туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, ота-онасининг паспортлари нусхалари, агар ота-она вафот этган бўлса, уларнинг ўлими ҳақидаги маълумотномалар,

зиқ воқеага гувоҳ бўлдим. Никоҳ гувоҳномасини олишга келган бир жуфтлик "Гувоҳномани тантанали топширишларингиз керак...", дея норози ошанга талаб қўйди. Мундариб бу хизмат пуллик эканлигини таъкидлади. Шу ҳақда батафсил гапириб ўтсангиз?

Бу масалада жуда кўп тушунмовчиликлар бўлиб туради. Айтишим керакки, никоҳдан ўтиш куни никоҳдан ўтаётган шахслар томонидан давлат бож ва гербли йўғим тўланади. Агарда никоҳ маросими тантанасиз ўтадиган бўлса, жами 85 минг 750 сўм (давлат бож 49 минг сўм, герб йўғими 36 минг 750 сўм), никоҳ маросими ФХДё бўлимида тантанали ўтказилса, юқорида айтилган 85 минг 750 сўмга яна қўшимча пуллик хизмат 122 минг 500 сўм қўшилади. Шунда тантанали никоҳни қайд этиш умумий суммаси 208 минг 250 сўмни ташкил қилади. Агарда никоҳ жойига чиқиш қайд қилинса, юқорида айтилган 85 минг 750 сўмга қўшимча 367 минг сўм пуллик хизмат тўловни қўшилиб, жами 453 минг 750 сўм тўланади. Барча тўловлар инвойс орқали амалга оширилади. Фуқаронинг шахсий телефонида тўлов амалга оширилганлиги ҳақида смс хабар келади. Унда тасдиқлаш коди бўлади. Код бириктирилгандан сўнг никоҳ гувоҳномаси берилади.

Турли сабаблар билан туғилганлик қайд этилмаган оила фарзандлари ёки қонуний никоҳдан ўтмай яшаб келадиган оилалар бор. Аниқ айта оласизми, ўтган давр мобайнида уларнинг нечтаси аниқланган ва ҳужжатлари қонуний расмийлаштирилган?

Жорий йилнинг 5 ойи давомида туғилганлик қайд этилмаган 746 нафар болага гувоҳнома берилди, 57 та шаръий никоҳда бўлган шахслар аниқланиб, уларнинг никоҳлари қонуний қайд этилди. Умумий ҳисобда ўтган давр мобайнида ФХДё бўлимида турмонидан 37 468 та туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувлари расмийлаштирилиб, 7 020 халатда ўлим далолатнома ёзувлари қайд этилган. Шунингдек, 10 529 та никоҳ ҳамда 1 689 та никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувлари расмийлаштирилган.

Мансур ҲАСАНОВ суҳбатлашди.



ОИЛАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ



Никоҳдан тантанали ўтиш учун қанча маблағ тўлаш лозим? Тантанали бўлмасачи? 30 ёшда ҳам туғилганлик гувоҳномаси олиш мумкинми? Маҳқум билан никоҳдан ўтаётганлар қандай йўл тутиши керак? Фуқаролик ҳолати далолатномалари билан боғлиқ шу каби саволларга давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси масъул ходими Нодира Мирмуҳамедова жавоб беради.

Яшаш жойингиздан қатъий назар истаган ФХДё бўлими хизматидан фойдалана оласиз

Сўхбатимизни соҳадаги янгилıklar билан бошласак. Маълумотларга қараганда, эндиликда ФХДё бўлими экстерриториал тамойили асосида фаолият юритади, шундайми?

Маълумки, Президентимиз жорий йилнинг 23 мартда "Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари билан боғлиқ қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонни имзолади. Фармон билан давлат хизматлари кўрсатиш тизимида бир қатор янгилıklar амалиётга жорий қилинмоқда. Биргина ФХДё соҳасини олиб қарайдиган бўлсак, энди хизматларимиз экстерриториал тартибда кўрсатилади. Яъни, 2021 йил 1 июндан бошлаб, фуқароларнинг доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтган жойидан қатъий назар туғилиш, никоҳ, ўлим ва никоҳдан ажратишни қайд этиш бўйича исталган ФХДё бўлимига мурожаат қилиш мумкин. Бу фуқароларимиз учун катта қулайлик.

Айтилаётган, бир аёл биринчи турмуш ўртоғи билан қонуний никоҳи бекор қилинмай туриб, шаръий никоҳ асосида иккинчи бор турмушга чиққан ва фарзанд кўрган. Болага гувоҳнома расмийлаштиришда қонуний ажрашмагани боис, собиқ турмуш ўртоғининг боланинг биологик отаси эмаслиги ҳақидаги ёзма розилиги талаб қилинган. Шу талаб тўғрими?

Оталикни белгилаш тўғрисидаги аризага никоҳда турган эрининг у

билан қонуний никоҳда бўлган онадан туғилган болага нисбатан оталикни белгилашга ёки боланинг туғилишини ёлғиз она аризаси асосида қайд этилишига нотариал тасдиқланган розилиги илова қилиниши ёки у ФХДё бўлимига келиб бунга ёзма равишда ўз розилигини билдириши ҳамда бундай розилик ФХДё бўлими раҳбари томонидан тасдиқланиши белгиланган.

Бу ҳолатда фуқаро ФХДё бўлимига мурожаат қилиши керак. Шундан сўнг бўлим ходимлари томонидан қонуний никоҳда бўлган турмуш ўртоғи жалб қилиниб, масалани ижобий ҳал қилиш чоралари кўрилади. Агар қонуний никоҳдаги шахс розилик бермаса, унинг номига, яъни қонуний никоҳда бўлган турмуш ўртоғи номига боланинг туғилганлигини расмийлаштириш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари"нинг 16, 21-бандларига асосан боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, барча ҳолларда боланинг насл-насаби хусусидаги низолар суд тартибиде ҳал қилиниши белгиланган.

Бизга юборилган бир мурожаатда шундай дейилди: "Онам болагимда вафот этган ва шу билан туғилганлигим расмийлаштирилмаган. Ҳозир ёшим 30 дан ошди. Бугунги кунда фуқаролик паспортни ҳам ололмадим". Айтингчи, бу ёшдаги фуқароларнинг туғилганлиги қандай тартибда расмийлаштирилади?

Ушбу фуқаро исталган ФХДё

никоҳ тузилганлиги ҳақидаги (ота-онасининг ва ўзининг) маълумотнома, ота-оналарнинг ҳужжатлари бўлмаганда, ака-укалари, опа-сингилларининг (улар бўлса) туғилганлик тўғрисидаги маълумотномалари ва бошқа асословчи ҳужжатлар тақдим этиши керак. Буларга мактабда ўқиганлиги тўғрисидаги маълумот ёки аттестат, касб-ҳунар коллежиде ўқиганлиги тўғрисидаги маълумотномалар кириши мумкин. Шунга қўра, ФХДё бўлими томонидан туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви тикланиб, гувоҳнома берилади. Агарда туғилганлик ҳақида тиббий маълумотнома тақдим этиш имкони бўлмаса суд тартибиде шу онадан туғилганлик факти белгила-ниб, туғилганлик қайд этилади.

Маҳқум билан қонуний никоҳдан ўтиш мумкинми?

Мумкин албатта. Маҳқум билан никоҳга киришни хоҳловчи шахс ФХДё органига ариза билан мурожаат қилади. ФХДё органи аризани кўриб чиқиб, унга аризани қайтаради. Шундан сўнг маҳқум билан никоҳга киришни хоҳловчи шахс бу аризани маҳқумга бериши учун жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятига топширади. Зарур чора-тадбирлар бажарилгач, маҳқум билан никоҳни қайд этиш ФХДё органи билан келишилган ҳолда жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти томонидан ажратилган бинода никоҳга кирувчи шахсларнинг иштирокида амалга оширилади ва маҳқум билан никоҳга кирувчи шахсга ФХДё органи томонидан никоҳ қайд этилганлиги ҳақида гувоҳнома берилади.

Бир неча ҳафта илгари қи-

Ажрашган оила фарзанди ким билан яшайди?

Оила ҳаёт абадийлиги ва авлодлар давомийлигини таъминловчи қадриятлар бешиги, келажак авлодлар учун бетакрор тарбия кўрғонидир. Ҳар бир боланинг келажакда қандай инсон бўлиб камол топишида оила муҳим ўрин тутаети.

Лекин ҳаёт доим ҳам силлик ўтмайди. Айниқса, бугунги кунда арзимаган сабаб билан оилавий ажримлар кўпайди. Улар ўртасидаги фарзанд тарбияси муаммолар ҳолатларга сабаб бўлапти. Эр ва хотин оилавий ажримдан сўнг бир-бирига душман кайфиятда бўлиши, икки томон вакиллари болани кўриш илнжиде бўлса-да, иккинчи томоннинг ушбу талабларни рад этиши, бир-бири билан юзлашиш чоғида бирор бир ҳуқуқбузарликнинг содир бўлиши ҳолатлари кўп учраепти.



Оила кодексининг 71-моддасида белгиланган ота ва онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглигига асосланган ҳолда, вояга етмаган болаларнинг манфаатларига ва хоҳишларига мос келадиган ҳал қилув қарори чиқариш лозимлиги белгилаб қўйилган. Бунда суд ота-онадан бирининг моддий-маиший аҳоли устунигининг ўзи болани унга олиб бериш учун асос бўла оладиган шарт ҳисобланмаслигини назарга олиши шарт, албатта. Боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғлиқ қолганлиги, ота-онадан қай бири болаларига нисбатан кўпроқ гамхўрлик ва эътибор кўрсатаётгани, ёши ва ота-онадан қайси бирига кўнгил қўйганлиги, ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатлари, ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатлар, болани тарбиялаш ва унинг камолоти

учун шарт-шароитлар яратиш имкони яъни эътиборга олинади. Қолаверса, 10 ёшга тўлган боланинг ота-онасининг қай бири билан яшаш истаги борлигини ҳам эътиборга олиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Суднинг ташаббуси билан тарафлар ўзаро келишган ҳолда фарзанд тарбиясида тўлиқ иштирок этиб келадиган ҳолатлар ҳам кўп.

Жумладан, Пахтачи туманидан О. исмли фуқаро жавобгар қайнонаси Л. исмли шахсга нисбатан ўз фарзандини тарбиясига ва қарамогига олишликни сўраб ФИБ Каттақўрғон туманлараро судига мурожаат қилди.

У турмуш ўртоғи билан ажрашганини, турмуш ўртоғи боласини ўз онасига, яъни қайнонасига ташлаб кетгани, фарзандини ота сифатида ўз тарбиясига олишликда амалий ёрдам сўраган.

Суд жараёнида бола отаси билан 4-5 йил давомида бирга яшамаганлиги, йўғитнинг алимент қарздорлиги мавжудлиги, унинг бошқа оиласи ва ундан фарзандлари ҳам борлиги, фарзанди қиз бола эканлиги, кўпроқ бувиси билан бирга яшаганлиги, бувисининг унга гамхўр эканлиги аниқланган.

Натижада даъвогар ўз даъво талабини ўзгартириб, фарзанди яхши тарбия топаётгани, у билан учрашув ва тарбиясида иштирок этиш учун маълум бир вақтда бола унинг қарамогига қолиши мумкинлиги келишилган.

Албатта, ҳар бир оилада эр-хотин тинч-тотув, бахт нашидасини суриб яшаш айни муддаодир. Бунинг учун ҳар икки томон аввало болалар манфаатини биринчи ўринга қўйиб ҳаракат қилиши лозим.

К.НАМАЗОВ, фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро суди раиси.

# Самарқанд вилояти футбол маҳорат мактабига қабул бўлиб ўтмоқда

**Самарқанд вилояти футбол маҳорат мактаби (академия)га умумтаълим мактабларининг 4-синфини тамомлаган, 10-11 ёшли ўқувчилардан ҳужжатлар 2021 йилнинг 15 июль кунига қадар (шу кунни ҳам) белгиланган тартибда "U-11" гуруҳига қабул қилинади.**



## ТАЛАБ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР:

1. Футболчи паспорти (унинг асл нусхаси комиссияга шахсан кўрсатилади);
2. Туғилганлиги ҳақида гувоҳнома нусхаси (гувоҳноманинг асл нусхаси комиссияга шахсан кўрсатилади);
3. "F-086-U" шаклдаги тиббий маълумотнома, турар жойидаги болалар врачидан кечирган касалликлари тўғрисидаги маълумотнома, психоневрологик диспансердан маълумотнома;
4. "F-026-U" шаклдаги мактаб тиббий анкетаси;
5. "F-063-U" шаклдаги профилактик эмлаш картаси;
6. БЎСМдан тавсифнома;
7. 3,5x4,5 см. ўлчамдаги 8 дона фотосурат;
8. Ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан футбол мактаби директори номига ариза.



**ҲУЖЖАТЛАР ОНЛАЙН ТАРЗДА ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕГРАМ РАҚАМЛАРГА ЮБОРИЛАДИ:**  
Мавлянов Хуршид +99890-199-13-99;  
Қудратов Жасур +99891-552-11-55.  
**МАНЖИЛ:**  
Самарқанд шаҳри Боғдоқ кўчаси, 39-уй.  
**МУЎЖАЛ:**  
42-умумий ўрта таълим мактаби.

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА**  
Самарқанд шаҳридаги «BETTA SERVICE PLUS» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 302741650) тугатилиши, «AZ DIL TEKS» оилавий корхонаси (СТИР: 301205534) қўшилиши, «AZ DIL TEKS» оилавий корхонаси «BETTA SERVICE PLUS» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдирилган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Андижон кўчаси, 72-Б" ўй.**

Ургут туманидаги «URGUT TROUSER FASHION» оилавий корхонаси (СТИР: 304238815) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини «SHARQ JILOSИ» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилади. «SHARQ JILOSИ» масъулияти чекланган жамияти «SHARQ JILOSИ» оилавий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шунингдек, «SHARQ JILOSИ» масъулияти чекланган жамияти ўз устас фондиди кўпайтирмади.  
Шу муносабат билан унга билдирилган барча даъволар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.  
**Манзил: Самарқанд тумани Қўштанғали маҳалласи.**

Самарқанд вилоят адлия бошқармасидан 2020 йил 29 июлда 393 реестр рақами билан рўйхатга олинган Республика Реабилитация ва мослаштириш маркази Самарқанд вилоят бўлими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги 5116-сонли қарорига асосан тугатилмоқда.  
Шу муносабат билан унга билдирилган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.  
**Бўлимнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳқўчаси, 158-«А» ўй, 301-хона.**  
Бўлимнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 207296302.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасидан 2019 йил 25 апрелда 400 реестр рақами билан рўйхатга олинган Республика Реабилитация ва мослаштириш маркази Самарқанд вилоят бўлими Каттақўрғон туман бўлимига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги 5116-сонли қарорига асосан тугатилмоқда.  
Шу муносабат билан унга билдирилган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.  
**Бўлимнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳқўчаси, 158-«А» ўй, 301-хона.**  
Бўлимнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 207296302.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасидан 2020 йил 29 июлда 393 реестр рақами билан рўйхатга олинган Республика Реабилитация ва мослаштириш маркази Самарқанд вилоят бўлими Каттақўрғон туман бўлимига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги 5116-сонли қарорига асосан тугатилмоқда.  
Шу муносабат билан унга билдирилган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.  
**Бўлимнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳқўчаси, 158-«А» ўй, 301-хона.**  
Бўлимнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 207296302.

этилган, икки ой давомида қабул қилинади.  
**Бўлимнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳқўчаси, 158-«А» ўй, 301-хона.**  
Бўлимнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 207296302.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасидан 2009 йил 24 июнда 10 реестр рақами билан рўйхатга олинган Пайариқ туман «Пайариқ» адвокатлик фирмаси ихтиёрий равишда тугатилмоқда.  
Шу муносабат билан унга билдирилган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.  
**Адвокатлик фирмасининг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Пайариқ тумани, Пайариқ 50 йиллиги кўчаси, 11-уй.**  
Адвокатлик фирмасининг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 203303120.

Ургут туманидаги «DO'STLIK SIFAT TEXTIL» оилавий корхонаси (СТИР: 304150634) тугатилиши, «OYBEK OBID BARAKA TEKSTIL» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилади. «OYBEK OBID BARAKA TEKSTIL» масъулияти чекланган жамияти «DO'STLIK SIFAT TEXTIL» оилавий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдирилган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.  
**Манзил: Ургут тумани Ургут шаҳарчаси Дўстлик маҳалласи, Фарход кўчаси, 11-уй.**

Ургут туманидаги «HAMIDJONOV TOXIR MEROJOVICH» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 301691834) Ургут туманидаги «HASAN HUSAN BARAKOT BIZNES» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилади. «HASAN HUSAN BARAKOT BIZNES» масъулияти чекланган жамияти «HAMIDJONOV TOXIR MEROJOVICH» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдирилган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.  
**Манзил: Ургут тумани Наврўз маҳалласи Нурафшон кўчаси.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Ахмеров Шамил Абдуллаевичга (2020 йил 30 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

Шу муносабат билан меросхўрларнинг Хўжамқулов Хусан Уринбоевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Спитамен шоҳқўчаси, 272-уй. Мўлжал: Самарқанд вилоят ИИБ ЙҲХБ, шаҳар Мудофаа ишлари бўлими.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Лукманов Орифхан Лутфуллаевичга (2020 йил 20 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Нуриддинов Якубга (2020 йил 2 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Ходжиметов Собиржонга (2020 йил 8 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Тўйчиев Фаррух Кабуловичга (2021 йил 1 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Тошқулов Акрам Темировичга (2020 йил 9 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносиди.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Тошқулов Акрам Темировичга (2020 йил 9 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

**"Ипотека банк" акциядорлик тижорат ипотека банк Самарқанд вилоят филиали бугунги кун талабини англаган ҳолда фаолиятини такомиллаштириб, мижозларига сифатли банк хизматлари кўрсатиб келмоқда.**

Хусусан, аҳолининг бўш пул маблағларини банкка жалб қилиш мақсадида "Ипотека банк" томонидан аҳоли учун миллий ва хорижий валютада 20 дан ортиқ турдаги юқори фоизли жозибадор омонатлар жорий қилинган. Бу омонатларга банкнинг жамғарма кассалари орқали нақд ва нақдсиз (пул кўчириш йўли билан) шаклда пул маблағлари қабул қилинади. Бундан ташқари, банкнинг мобил иловаси орқали аҳолининг пластик карточкаларидаги пул маблағларини банкка келмасдан online шаклда омонатларга қўйиш имконияти яратилган.

Мисол учун, миллий валютадаги "Нихол" мuddатли омонат турига 3 ойга йиллик 17 фоиз, 6 ойга йиллик 18 фоиз ва 12 ойга йиллик 20 фоиз ставкасида даромад тўлаб бериш, қўшимча маблағларни қўйиш, фоиз даромадларини ҳар ойда олиш тўлаш шартлари билан маблағлар қабул қилинади.

Шунингдек, "Ipoteka Mobile" иловаси орқали электрон шаклда "Нихол" миллий валютадаги мuddатли онлайн омонат турига 3 ойга 17,5 фоиз, 6 ойга 18,5 фоиз ва 12 ойга йиллик 21 фоиз ставкасида даромад тўлаб бериш, қўшимча маблағларни қўйиш имконияти билан маблағлар қабул қилинади.

Хорижий валютадаги "Универсал" мuddатли омонатига нақд ва нақдсиз шаклда АҚШ доллари ва ЕВРОда 3, 6, 9 ойгача 3,5 фоиз, 13 ойга эса йиллик 4 фоиз даромад тўлаб бериш, фоиз даромадларини ҳар ойда тўлаш, қўшимча маблағларни қўйиш имконияти билан маблағлар қабул қилинади.

Банк филиали тасарруфда ташкил этилган чакана кассалар орқали аҳолидан барча турдаги коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш, омонатларга пул маблағларини жалб қилиш, халқаро пул ўтказмалари хизматлари, валюта айирбошлаш каби хизматлар

# Замон талаби ва мижоз манфаатини кўзлаб

кўрсатиб келинмоқда. Ил бошидан буён аҳолига 46,4 миллиард сўм чакана кредитлар ажратилди. Кредитлар автокредит, микроқарз, истеъмо, овердрафт, таълим кредитлари кўринишида мижоз хоҳишига кўра берилди.



Иш ҳақи лойиҳаси Ипотека банк орқали амалга оширилган мижозлар учун Online микроқарз кредит тури жорий этилган бўлиб, бунда мижозларга банкка ташриф буюрмасдан реал вақт режимда ҳужжатларни кредит маблағларини олиш имконияти яратилган. Жорий йилда мижозларга 7,1 миллиард сўм микдорда кредит маблағлари ажратилди. Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида жорий йил бошидан буён 96 миллиард сўмлик 396 та ипотека кредитлари ажратилиши таъминланди.

Бугунги кунда Ипотека банк иш ҳақи лойиҳаси иштирокчиси бўлган мижозларга базавий ҳисоблаш микдори (БҲМ) нинг 100 бараваригача микдорда йиллик 22 фоиз устам тўлаш шартли билан 24 ойгача мuddатга шахсий эҳтиёжлари учун микроқарз ажратилиб келинмоқда. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган энгил автомашиналарни сотиб олиш учун автокредит эса бошлангич бадал суммаси 30 фоиздан кам бўлмаган микдорда йиллик 23 фоиз устам тўлаш шартли билан 48 ойгача бўлган мuddатга берилмоқда.

Ипотека банк иш ҳақи лойиҳаси иштирокчиси бўлган олий ва ўрта махсус, халқ таълими, мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш вазирликлари тизимидаги муассаса ҳамда уларга қарашли бўлган бўлиналар ходимлари учун "Фидокор микроқарз" кредити жорий қилинган бўлиб, ушбу кредит БҲМнинг 100 бараваригача микдорда йиллик 22 фоиз устам тўлаш шартли билан 24 ойгача мuddатга берилди.

ишлаб чиқарилган энгил автомашиналарни сотиб олиш учун "Фидокор автокредит" кредит тури жорий қилинган бўлиб, бошлангич бадал суммаси 30 фоиздан кам бўлмаган микдорда йиллик 22 фоиз устам тўлаш шартли билан 48 ойгача бўлган мuddатга ажратилмоқда.

Ипотека банк иш ҳақи лойиҳаси иштирокчиси бўлган Миллий гвардия, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура тизимидаги муассасалар ва уларга қарашли бўлган бўлиналар ходимлари учун "Қалқон микроқарз" кредити жорий қилинган. Ушбу кредит БҲМнинг 100 бараваригача микдорда йиллик 22 фоиз устам тўлаш шартли билан 24 ойгача мuddатга берилди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган энгил автомашиналарни сотиб олиш учун "Қалқон автокредит" кредит тури жорий қилинган бўлиб, бошлангич бадал суммаси 30 фоиздан кам бўлмаган микдорда йиллик 22 фоиз устам тўлаш шартли билан 48 ойгача бўлган мuddатга автокредитлар берилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, "Ипотека банк" акциядорлик тижорат ипотека банк Самарқанд вилоят филиали мижозлари қарорини ҳурмат қилган ҳолда сифатли банк хизматларини кўрсатишни асосий мақсади деб билади ва шу йўлда фаолият олиб боради.

**Акрам АБДУСАИДОВ, "Ипотека банк" АТИБ Самарқанд вилоят филиали бошқарувчиси ўринбосари.**  
Хизматлар лицензияланган.

**ҚУТЛАЙМИЗ!**  
**Ҳурматли Аслиддин ШУКУРОВ!**  
**Сизни таваллуд топган кунингиз, 60 ёшингиз билан чин дилдан табриклаймиз!**  
Сизга сиҳат-саломатлик, оилангизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва сермазмон умр тилаймиз. Юртимиз равнаки йўлидаги ишларингизда омад, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек маъсулияти ишларингизда улкан муваффақиятлар ёр бўлсин!  
**Самарқанд шаҳар «Сиеб» адвокатлар ҳайъати жамоаси.**



**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**  
Сиеб тиббиёт коллежидан 2016 йилда Ражабова (ҳозирда Хамраева) Васила Эшмирова кизи номига берилган К № 4246978 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттақўрғон шаҳридаги 3-ўрта мактабдан 1989 йилда Хидирова (ҳозирда Юлдашева) Дилбар Рамилевна номига берилган № 892278 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Сиеб тиббиёт коллежидан 2019 йилда Мухаммадиева Озода Умиджоновна номига берилган рўйхат рақами 698, К № 5576391 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 93-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Элбоева Мавлюда Абдуразоқовна номига берилган О'Р-Ш № 0358954 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Сиеб тиббиёт коллежидан 2019 йилда Мухаммадиева Озода Умиджоновна номига берилган О'Р-Д № 371504 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 93-умумий ўрта таълим мактабидан 2017 йилда Муродиллов Темур Ҳабибулло ўғли номига берилган У № 7928288 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 128-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Ризаева Маҳбуба Абулбақировна номига берилган О'Р-Ш № 0835308 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ноат касб-хунар коллежидан) 1997 йилда Ашуров Маъсуджон Абдуманонович номига берилган рўйхат рақами 267, АС № 057601 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Акрамов Аббор Ашрафович номига берилган ТМ № 0246568 рақамли 9 йиллик умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги «ТОПЛАМА-ELMUROD» фермер хўжалигининг (СТИР: 206680127) думалок муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд темир йўл транспорти касб-хунар коллежидан 2011 йилда Шомаматова Хулқар Аlisherоvna номига берилган рўйхат рақами 200, К № 2070648 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 52-мактабдан 1982 йилда Хамраева Саёра Хуррамовна номига берилган В № 644394 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттақўрғон туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабидан 2013 йилда Нурмамова Малика Эрали кизи номига берилган У № 5894612 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги 79-умумий ўрта таълим мактабидан 2013 йилда Абдурамонова Мухлиса Уткир кизи номига берилган УМ № 0521091 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабидан 1997 йилда Узоқов Назиржон Уктамович номига берилган О'Р-А № 143303 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 81-умумий ўрта таълим мактабидан 1997 йилда Узоқов Назиржон Уктамович номига берилган О'Р-А № 143303 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Собик Қўшработ маиший хизмат касб-хунар коллежидан 2018 йилда Эрдоноров Отабек Саид ўғли номига берилган рўйхат рақами 107, К № 5131113 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, таниқли публицист ва адиб Нусрат Раҳмат 1941 йил 3 июль куни Самарқанд туманидаги Қўшмаччи қишлоғида туғилган. "Зарафшон" (аввалги "Ленин йўли"), "Қишлоқ ҳаёти" (аввалги "Қишлоқ ҳақиқати"), "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газеталарида ишлаган. Долзарб мавзулардаги мақола, очерк ва фельетонлари билан муштарийлар эътиборига тушган. Илк китоби ("Агар табиатни севсангиз") 1975 йилда нашр этилган. "Тақдирот" шеърлар, "Фожия" деб номланган ҳикоялар тўплами, шунингдек, "Мен мухбирман", "Я из редакции", "Энг ашаддий каллакасар", "Асқад Мухтор дедилар", "Фарзандга ўғитлар" сингари китоблар муаллифи. "Буни ҳаёт дебдилар", "Жаҳид" романлари айниқса, адабий жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Устоз ижодкорни қутлуғ 80 ёши билан табриклаймиз.



моён бўлади. Бизни доғда қолдирган Спинкс ҳам эртами-кечми бу майдондан ана шундай ноумид бўлиб, шалвираб чиқиб кетади. Чунки балокаш дунёда омад дегани кўп ҳолларда навқирон одамларнинг эшигини қоқди. Буни ҳамиша ёдда тут ва шунга қараб иш кўр.

Бир чапани одамдан шундай нақл эшитганим: ўн - қўй, йигирма - бўри, ўттиз - арслон, қирқ - қилич, эллик - пахта, олтимиш - ахта, етмиш - нўхта, саксон - тахта.

Бу мақолни шарҳлаб ўтирмайман - ўзинг хулоса чиқариб ол! Йигитга ўлим йўқ - ўзини тикка уради, дейишади.

Азиз ўғлим! Сенга етказилган зарофат, энг аввало менга етказилган жароҳат эканлигини унутма. Агар билсанг, амбразурага кўксини қўйган жангчи жасоратидан кўра яшаш учун курашган, дон селган, ниҳол ўтказган, китоб ёзган хокисор кишининг жасоратини устун қўярдим!

Ҳа, энг катта жасорат яшаш, зурриёт ва эзгулик қолдиришдир! Ўзга юртларнинг манфаатлари учун жон берган йигитларга жуда ачинаман. Уларни ана шу ўлимга сафарбар этганларга қирон келсин дейман.

Уруш ва жанжалларни ҳамиша ёмон одамлар бошлайди ва унда яхши одамлар нобуд ёки мажруҳ бўлишади! Буни унутма.

Ичкиликка берилма, чекма, аблаҳ одамлар билан ҳамтовоқ бўлма, балодан ҳазар қил, десам мени эзмалиқда айблама. Тўғри, бу ўғитларни бо-бокчалонларимиз жуда ибратомуз қилиб ёзганлар, муаллимлар ва яхши одамлар неча бор қулоғингга қўйишган. Лекин гоҳида, мулло бўлсанг, тақрор қил, деган нақлни ҳам унутмаслик керак.

МЕҲРИБОН ҚИЗИМ! Алломалар ўз ўғитномаларини нуқул:

«Эй ўғил», деб бошлашган. Улар нечундир қизларига мурожаат этишмаган. Эҳтимол, ўша замонларда бу таомилга кирмагандир?! Балки уларнинг кўнгиллари қизларидан тўқ бўлгандир - бусиз ҳам одобли бўлишига ишонишгандир.

Мен ҳам сенинг одобли ва шоҳиста бўлишингга ишонаман. Аммо бизнинг ушбу нохуш муҳитимизда эзгуликнинг мунаввар йўлидан андак бўлса ҳам чалғиб кетишингдан хавотир тортаман.

Ҳа, бизнинг замонда аёл бўлиб туғилиш осон эмас. Болаларни вояга етказиш; эр ва бошлиққа бўйсуниб яшаш, фақат фарзандларнигина эмас, уларни (эр ва бошлиқни) ҳам тарбиялаш, билсанг - оғир қисмат! Аммо аёл қалби бу қудратга қодир! Фақат катта, жуда катта мақсадлар керак!

Сенинг баҳорий вужудингни кўриб, ич-ичимдан қувонимим, фахрланишим ва зоҳирий хавотирга тушишимга энди ишонгандирсан. Жоҳиллар ва ярамас одамлар номинга доғ теккизишларидан, руҳан озор етказишларидан; ўзингга боғлиқ бўлмаган фалокатлар қаддингни букиб қўйишидан чўчиб яшайман! Сенга кўз тиккан балолар, майли менга тега қолсин, дейман! Чунки мен кўпроқ умр кўрганман ва сендан кўра бардошлироқман!

Биламан, сен авлодимизни улуглаш учун курашсан, оилангни эъзозлайсан, лекин фақат рўзгоринг учун яшамайсан одамларга наф келтиришни, энг зарур дақиқаларда уларга қўл чўзишни одат қилсан.

Нусрат РАҲМАТ. ("Фарзандга ўғитлар" китобидан)

# Эй, азамат ўғлим, меҳрибон қизим!

Мана, сизлар ўн саккиз ёшнинг эшигини қоқяписизлар. Шу дамгача бақамти ўтириб, босиқлик билан сизларга насихат берганимни хотирломайман. Дашном бердим, койидим, уришдим, чунки бола эдиларинг-да у пайтда. Энди насихатга ўтсам бўлар. Ўғитнинг қадрига борадиган ёшга етилларинг. Узок йиллар - камида менинг ёшимга етгунча панду насихат тинглашларингга тўғри келади.

Илк ўғитим, насихатга нисбатан ҳеч қачон беписанд ва бепарво бўлманглар; ёши ва мартабаси ўзларингдан улуглар, доноларнинг пандаларига шарқона бир эҳтиром билан қулоқ тутишга одатлангилар. Ўқиш билан ўқиш ўзга бўлгани янглиғ, тинглаш билан англаш ҳам ғайри тушунчалардир. Деҳқон не-не меҳнатлар ила сомон орасидан донни ажратиш олганидек, яхшиларнинг маслаҳатларидан энг зарурларини топиб олиш ва

хаётга татбиқ этиш пайда бўлингилар.

Эй, ўғлим! Йигитчиликнинг талай таомиллари борки, уларга амал қилмоқ умр йўлини белгилаб олмақ демакдир. Энг зукко ва маъруф одам ҳам, айниқса, навқиронлик палласида талайгина нуқсонларга, бемаъни майилларга йўл қўяди. Жамият буни ҳис қилади ва баркамол бўғин нуқсонларини афв этади. Лекин камчиликларини, энг аввало, хаётга қадам қўйган кимсанинг ўзи чуқурроқ ҳис этмас ва сабоқ чиқармас экан, охир-оқибат гумроҳликка йўл қўйиши муқаррар!

Ёшлиқнинг тағин бир муҳим шарт, унинг ўткинчи эканлигини эътироф этмоқликдир. Навқиронлик йиллари сени тез тарк етиб, доғда қолдиришни унутмаслигинг керак.

Ўғлим! Навқиронлик, ғолиблик демакдир. Диалектик материализмнинг инкорни инкор деб аталадиган шафқатиз қонуни рингда яққол на-

# Яхшилар бор бўлсин дунёда

Инсон ўз бошига қийинчилик тушганда ҳаёт қадри нечоғлиқ эканини чуқурроқ тушуниб етати.

Паст Дарғом тумани Наврўз маҳалласида истикомат қилувчи Муҳайё Шамсиеванинг кўнглидан яқинда шундай ҳислар ўтди. Шифокорлар томонидан юрагидеги митрал клапан етишмовчиликни ташхиси қўйилган, хаёлини бир фикр тарк этмасди:

наҳотки, энди дунёга келган фарзандимнинг камолини кўра олмасам? Ахир шифокорлар айтган маблағни топиш осон эмас. Турмуш шароити оғир. Оилада ёлғиз онаси ишлаб рўзгор тебратади. Шунда атрофдагилардан кўмак қидира бошлади.

- Ҳомилдорлигимда шифокорлар менда юрак етишмовчиликни аниқлашди, - дейди М.Шамсиева. - Оғзим ва бурнимдан тез-тез иссиқ нафас келарди. Яхшиямки фарзандим соғлом туғилди.

Аммо менда касаллик тобора кучаярди. Шифокорлар айтган 25 миллион сўм маблағни топишга қурбимиз етмасди. Кимдан кўмак сўрашни билмасдим. Маҳалламиздан вилоят Кенгашига сайланган депутат Гулбека Қўчқорова ҳақида кўп бор эшитганман. Наҳот истаб ёнларига тах-

лилар, қўйилган ташхисларни олиб бордим. Шукр Гулбека опанинг сазй-ҳаракатлари билан хаётга қайтдим. У киши вилоятга, тегишли ташкилотларга чиқди. Операция муваффақиятли якунланди. Ҳозир аҳолини янча яхши. Илоҳим, ўзгаларга яхшилик соғинган инсонлар дунёда бор бўлсин.

Икки ой олдин операция учун ёрдан сўраб келган Муҳайёнинг мурожаати Гулбека опани юрса ҳам, турса ҳам хаёлини банд қилди. Қандай қилиб унга кўмак бериш мумкин? Ахир операция учун бу маблағни топиш осон эмас. "Аёллар дафтари"га киритайлик деса, бемор 30 ёшга кирмаган. "Ёшлар дафтари"га киритиш имконияти бор, аммо маблағ ёшларнинг бандлиги таъминлаш учун ажратилади.

- Шунда вилоят ҳокими ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат қилдим, - дейди депутат Гулбека Қўчқорова. - Вилоят ҳокимлиги томонидан маблағ ажратилмади, соғлиқни сақлаш бошқармаси бепул операцияни амалга оширадиган бўлди. 7 соат давом депутат Гулбека Қўчқорова ҳақида кўп бор эшитганман. Наҳот истаб ёнларига тах-

Насиба ЖОНТЎРАЕВА.

## ИМКОНИАТ

Ўлим тўшағида бемор ётган чоғингда ҳам ўлимни истама ва Яратгандан худди ана шундай ёлвориб, умидвор бўлиб, ишониб, чин дилдан сўра.

Сўрай олясанми, сўраясанми, бас, демак, ҳали имконият бор сенда. Имконият бор экан, имконсиз нарсанинг ўзи қолмади.

«Тур, чирогим!»

## БОТҚОҚ

Руҳан чўкиб, синиб, омадсизлик, қулфатлар ботқоғига ботиб бораётганинда ҳам энгилишни ўйлама. Аллоҳ бандасининг шу курашчанлигини, ўжарлигини суди ва ёрлақайди.

Юксакларга интилмайдиган, кураша олмайдиган кимса нафақат Яратганга, балки ҳеч кимга ёқмайди.

## КУЛФАТ

Фалокат оёғинг остида турибди. Тўрт томонинг худудсиз жаҳаннам. Ногаҳон устингга бостириб келган қулфат оёғингдан қулатди, фавқуллодий тақдир зарбаси томонидан чил-парчин қилиндинг ва нимаям бўлиб, бахтли тасодиф сабаб тирик қолдинг.

Ана шу тирик қолганинг сенинг бахтинг, омадинг! Эҳтимол, фалаж, ногирон бўлгандирсан, кўр, шол, кардирсан, майлига, муҳими тириксан-ку!

Бил, чирогим, қалбинг лоладек поклиги сабаб самовий кучлар томони-

дан ҳимояланиб, тирик қолдинг. Шунинг ўзи бахтинг, қувончинг! Худо сени ўз қафолатига олди! Қандай яхши!

Шу буюк қафолатни аёвсиз курашлар билан жилолаб, соғлигингни ўзинг тиклашинг зарур. Шарт! Ҳам касаллигингни, ҳам ўзингни ўзинг энгилишинг керак. Ана энди ўзингга ишон ва зўр бўл!

Ўзинг зўр бўлсангинга ўзини назорат этиб, бошқара оласан.

Жалолитдин Румий ҳазратлари айтганларидек, ўзингга ўзинг ҳукмрон бўл.

«Ўзига ҳоким - ҳаммага ҳоким!»

# Курашиб ғолиб бўлолмасанг, НЕГА ЯШАЯПСАН?

## ЗИНДОН

Зулумат зиндон тубида ётганинда ҳам кўзларингни катта-катта очиб, унинг милт этган учқунини кўрдингми, топдингми, бас, қалбингга жойла, катталаштира бор руҳингда бу учқунни ва худудсиз илоҳий соф нурга айлант!

Қарабсанки - озодлик! Маҳкумлиқнинг шарпа-си ҳам қолмабди.

## СИНОВ

Ишларинг юришмасдан яна ботқоққа ботиб қолдингми? Нима бўпти шунга?

Битта сен эмассан-ку, бу худудсиз жаҳаннам комига ботиб ётган. Бу лаҳзаларда жонингни, ҳузурингни қандай қилиб сақлаб қолишни эмас, ундан қандай қилиб чиқиб кетиш, қутулиш йўлларини қидир, топ ва қутулиб кетиш ҳаракатига туш. Дилингда мана бу ҳикматли ҳадис далда бўлсин: «Ботқоққа ботиб ётганларнинг ҳаммаси ҳам ботиб нобуд бўлавермайди-ку! Худога чин дилдан ишонган, иймон келтирганларгина соғ, омон қолишлари тайин ва муқаррар!»

## ИНҚИРОЗ

Табиийликни сев. Олий техника - электроника сабаб одамзод ҳайвонот, наботот, табиат оламига бегоналашиб бўлди. Нафси илнжиде чиройлик жониворларни эркалатиш ўрнига тутиб емоқда. Камёб шифобахш, бебаҳо гиёҳларнинг энг сўнгги навларига пуллаб, ямлаб, ютиб бўлди.

Одамзод энди секин-аста ўздан ўзи узоқлашиб, бегоналашиб бормоқда. Ота болани, бола отани танимай қўйди ҳисоб.

Бу инсоннинг инқирози - табиийликдан бутунлай йироқлашиб кетгани бўлмай нима?

Ягона йўл - курашмоқ, ишонмоқ ва ғолиб бўлмоқ керак!

Муродим УМРЗОҚОВ, шифокор.



# Bolani kitobga qanday qiziqtirish mumkin?

Otamning bir odati bor edi. Qiziq voqeani astoydil gapirib berardi-da, eng ta'sirli joyiga kelganida to'xtatib qo'yardi. Davomini aytib bering, deb harchand yolvorsak ham unammasdi. "Bu voqea falon yozuvchining, falon asaridan olingan, qiziqsalarining o'qib olinglar", derdi. Biz bolalar o'sha kitobni topib, talashib o'qirdik.

Otamning kasbi o'qituvchi edi, undan kitob o'qishini o'rganganmiz. Endi o'zim bolalarni shunday usul bilan kitob o'qishga qiziqitraman.

G'ulom XIDIROV, Qo'shrabot tumani 37-umumiy o'rta ta'lim maktabi direktori.

Qirq to'rt yil mobaynida maktabda dars berib, bolalarni mustaqil fikrlashga o'rgatish uchun 1-sinfdan oq kitob o'qishga qiziqitirish kerakligini angladim. Bunda sinf kutubxonasini tashkil qilish yaxshi natija beradi. Darsdan tashqari soatlarda o'quvchilarga kitoblardan ertak, she'r, hikoya o'qib yoki so'zlab berilsa, ularning kitobga mehri yanayam oshadi.

Bolalarning o'zi kitob o'qisa, she'r'larni yod olsa, qobiliyati, og'zaki va yozma nutqi rivojlanib boradi. Abdivohid VALIYEV, xalq ta'limi a'lochisi.

Масал Соябон нима дейди? Болор ва Шопил

Чўққилар (Устозларимга) Ортада қолиб кетди дашту далалар, Тоғнинг сўқмоғига уланди йўлим.

Zarafshon Samarqandский Вестник MUASSIS: «Zarafshon» va «Samarqandский вестник» gazetalarini tahririyati mas'uliyati cheklangan jamiyati Bosh muharrir: Farmon TOSHEV QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56 BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61



## Mustaqillik Yillari Samarqandda

### 2010 йил, май

1 май куни Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти Филлип Ле Уэйру бошчилигидаги делегация Самарқандда бўлди.

### июнь

Вилоят пиллакорлари давлатга 2650 тоннадан ортиқ сифатли "кумуш тола" етказиб берди.

24 июнь куни вилоят ҳокимининг қарорига кўра, Гулнара Рустомова вилоят ҳокимининг ўринбосари - хотин қизлар кўмитаси раиси этиб тайинланди.

### июль

Вилоят деҳқонлари давлатга 300 минг тонна галла етказиб берди.

### сентябрь

Вилоятда 1209 та умумтаълим мактаб, 623 та мактаб-гача таълим муассасаси, 34 та мусика ва санъат мактаби, 16 та махсус мактаб ҳамда мактаб-интернати, 4 та меҳрибонлик уйи, 156 та касб-хунара коллежи ва 14 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда.

### октябрь

8-9 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида БМТ нинг Жаҳон сайёҳлик ташкилати "Буюк ипак йўли" лойиҳасининг иштирокида мамлакатлари миллий сайёҳлик маъмуриятлари вакилларининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди. Унда халқаро туризм ривожланган 30 дан ортиқ мамлакатнинг туризм соҳаси бўйича вазирлари иштирок этди.

Самарқанд шаҳридаги "Яшам Эр-Калпақ" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида ўтган тўққиз ойда 426 минг квадрат метр ҳажмдаги гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

## ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

5 ИЮЛЬ Дилором САЛОҲИЙ - 1959 йил Каттакўрғон шаҳрида туғилган. Филология фанлари доктори, профессор.

6 ИЮЛЬ Муайяна ХОДЖАЕВА - 1941 йил Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

7 ИЮЛЬ Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ - (1934-2006) Қашқадарё вилояти Касби туманида туғилган. Ўзбекистон халқ шоири.

8 ИЮЛЬ Қўчқор ҚАРШИЕВ - (1923-1945) Иштихон туманида туғилган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.

ISSN-201667X 917720101667009